



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1828 йил 11 декабрда асос солиingan

• 2001 йил 24 февраль, шанба • №16 (11.301)

• Эркин нарҳда сотилади

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ЯРАТИНГ

Ўлкамизга баҳор кириб келмоқда. Кунни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарори муносабати билан вилоятимиз ҳудудларида қизгин иш бошлаб юборилди.




тупдан ортиқ турли хил мевали ва манзарали кўчатлар тайёрланди. Айни кунларда сиз суратларда кўриб турганингиздек бу кўчатлар деҳқон-фермер, ширкат, жамоа хўжаликларига ва аҳолига етказиб берилмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Эл ташвиши билан меҳнат қилаётган юртдошларимиз ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудлар, маҳаллаларнинг чиройига чирой қўшиш, кўчат экиб, боғ яратиш, кўкаламзорлаштириш учун ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойда-

ланишга ҳаракат қилмоқдалар.

«Мева-шарбат» боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу хайрли ишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бирлашмада бу йил 2 миллион 966 минг



ТАДБИРКОР АЁЛЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Охангаронда шаҳар тadbirkor аёллар уюшмаси ташаббуси билан уюштирилган вилоят ишбилармон хотин-қизларининг бир ойлик ўқувни низоҳасига етди.

Ўқув машғулотларида вилоятимиз шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган тadbirkor аёлларнинг ўттиз нафардан ортиқ вакиллари қатнашди. Улар бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиш, тadbirkorликни қандай бошлаш ва олиб бориш ҳамда фаолиятнинг бошқа соҳаларига оид мавзулардаги маърузаларни тингладилар, давра суҳбатларида қатнашдилар. Ўқишни муваффақиятли битирганларга сертификатлар берилди.

Муқаддас АЛИЕВА.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – БИРЛАМЧИ

Давлат муассасалари ва жамoат ташкилотлари хизмати қасаба уюшмаси Бекобод туман кўмитасининг йиғилишида ўтган йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Уюшманинг 17та бошланғич ташкилотларидаги 450 нафар аъзодан 15 нафари ўтган йили «Чинобод», «Ботаника», «Туррон» санаторийларида саломатликларини тиклаб, ҳордиқ чиқарди.

Йиғилишда дам олишларни самарали ташкил этиш, маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини кўпроқ жалб этишга қарор қилинди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Шу йил 22 февраль кунини Тошкент вилояти фаолларининг республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовинлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича муовинлари, банк, молия, солиқ тизими, йирик саноат корхоналари, хўжалик ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Уммат Мирзакулов бошқарди.

Шуни айтиш керакки, ўтган – 2000 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунга маърузада келтирилган

айрим рақамлар яққол мисол бўла олади. Хусусан, вилоятда 1999 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 10,3 фоизга ўсди. Ривожланиш суръатлари етакчи тармоқлар — саноат ва қишлоқ хўжалигида ҳам салмоқли бўлди. Бошқача қилиб айтганда, саноатдаги ўсиш 112 фоизни, қишлоқ хўжалигидаги ривожланиш 115,3 фоизни ташкил этди. Ўтган даврда халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, капитал қурилиш, коммунал хўжалигини ислох қилиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, «Бандлик», Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда му-

айян ютуқларга эришилди. Муҳими, маҳаллий бюджетга кўзда тутилган даромадларнинг 103 фоизга бажарилганлиги натижасида иш ҳақи фондлари ва бошқа ижтимоий соҳалар ўз вақтида пул билан таъминланди, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан тегишли моддий ёрдамлар ажратилди.

Вилоятда 2000 йил якунларига тааллуқли бундай ижобий рақамларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин, вилоят ҳокими ўз маърузасида таъкидлаганидек, бундан буён асосий эътибор ўтган йил якунларини чуқур таҳлил этиш билан бирга, биринчи галда қандай хато ва камчиликларга йўл қўйилганлигини аниқлаб олиш, уларни бартараф этиш учун

(Давоми 2-бетда)

Бугунги сонда:

2-бет Меҳнат кадри: Хўжаликка муваффақият келтираётган бу қонуннинг бузилмаслиги учун энг аввало раиснинг ўзи ўрнак бўлади, елади, югуради, оромидан кечади.

3-бет Муносабат: «Бугунги кунда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг 50 фоизининг мелиоратив аҳволи яхшиланишга муҳтож».

6-бет «Мен журналистман»: Тенгдошларимга мени қийнаётган масалалар билан муржаат этардим, баъзилари елка қисса, башқалари «бу ҳақда бош қотирадиганлар бор, сенга нима» дейишарди-ю, мен бундан қоникмасдим...

7-бет Жаҳон маданияти юлдузлари: Яқинда оламда бир шов-шув бўлиб ўтди: Патрисия Каас «Зенит» деб номланган кошонада уч соат давомида тўхтамай куйлади!

8-саҳифа меҳмони: Жаъфар МДХ чемпионлари кубогига етти бор дарвозабонларни доғда қолдириб москваликларнинг эркатойига айланди.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

амалий ишлар қилиш, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва уларни ижро этишга қаратилмоғи керак.

Фаоллар йиғилишида ҳар бир соҳа ана шу нуқтаи назардан таҳлил этилди ва хулосалар чиқарилди. Бу бежиз эмас. Чунки, Тошкент вилояти республикада энг катта потенциалга эга ҳудудлардан бири. Хусусан, бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида республикада биринчи ўринда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида иккинчи ўринда турибди. Лекин, вилоятда янада юқори ва салмоқли натижаларга эришиш имкониятлари мавжуд.

Бунинг учун бозор иқтисодиётини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, кучмас мулк объектлари ва ер майдонларини сотиш бўйича белгиланган режаларни тўлиқ бажариш, хорижий сармоядорларни вилоятга янада кенроқ жалб этиш, вилоят саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш устида чуқурроқ ишлаш керак. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган камчиликларни

бартараф этиш, муаммоларнинг мақбул ечимини топиш ҳам энг долзарб вазифалардир. Бу – ширкатга айлантирилган хўжаликларда чинакамга янги иш юритиш, қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, энг катта бойлик бўлган ердан оқилона фойдаланиш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни кўтариш устида тинмай изланиш ва ишлаш зарур, деганидир.

Мажлисда бир неча бор таъкидланганига қарамадан вилоятда аҳолининг коммунал хизматлардан қарзи пасаймаётганлиги, боқимандаликни бартараф этиш борасида маҳаллий ҳокимликлар, солиқ идоралари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан етарлича иш олиб борилмаётганлиги масаласига ҳам чуқур тўхталинди ва аниқ вазифалар қўйилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида экспорт салоҳиятини ошириш, қўшма корхоналар барпо этиш ва чет эл инвестицияларини киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тўғри, вилоятда бу соҳаларда тadbирлар, дастурлар ишлаб чиқил-

ган. Лекин, улар тўлиқ ижро этилмапти. Ҳамон айрим қўшма корхоналар экспорт-боп маҳсулот чиқара олмапти. Айримлари эса, турли баҳоналарни рўқач қилиб фаолият кўрсатмапти. 2000 йилда экспорт дастурининг 94,8 фоизга бажарилганлиги бу соҳада ҳали қатъий ишлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусан, ажратилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш, уларни кўпроқ ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратиш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масалани муҳокама этишда Ангрэн шаҳар ҳокими Илҳом Асадов, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи Ҳамидулла Аҳмедов, вилоят касбухона таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев, вилоят мева-сабзавот бирлашмаси бошлиғи Нигматилла Шокиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мажлисда қўрилган масала юзасидан фаоллар йиғилишининг қарори қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулк қўмитаси раиси Ўктам Исмоилов сўзга чиқди.

Йиғилиш

«ВАТАНПАРВАР»:

ВАЗИФАЛАР

БЕЛГИЛАНДИ

Қибрайдаги автотехника мактабида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг 2000 йил якунлари, 2001 йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалари ҳамда мазкур ташкилот ишларини такомиллаштириш юзасидан вилоят ҳокимининг қарорини амалга ошириш чора ва тadbирларига бағишланган биринчи раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур кенгаш Тошкент вилояти ҳокими ҳамда Марказий кенгашнинг қўшма қарорига асосан 2000 йил 1 декабрдан фаолият бошлаганди.

Бугунги кунда унинг тасаруфида 4та шаҳар, 9та туман кенгашлари фаолият бошлаган, битта техникавий, 5та автомактаблар фаолият кўрсатапти, бошланғич ташкилотлар эса, ўз атрофида 85 минг 239та «Ватанпарвар» аъзоларини бирлаштирган.

Вилоят кенгашининг ўтган йилги иш фаолиятида ўқув-масъ дарслари, разрядли спортчилар ва ҳакамларни тайёрлаш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Аммо, муаммо, камчилик ва нуқсонлар ҳам

йўқ эмас. Бу айниқса, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ишларида бир қатор камчиликлар борлигида кўринади. Қолаверса, Оҳангарон, Оққўрғон, Бўка, Тошкент, Янгийўл, Қибрай туманлари ҳамда Ангрэн ва Янгийўл шаҳарларида ҳанузгача «Ватанпарвар» кенгашининг бошланғич ташкилотлари тузилмаган.

Раёсат йиғилишида сўзга чиққанлар кенгаш фаолиятини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш дастурида белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

Тadbир

ҚОНУНЛАРНИНГ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Оҳангарон шаҳар ҳокимлигида қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш чора-тadbирларни, вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини кучайтириш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар ёшларда қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқий билимларини кенгайтириш, бу ишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаол иштирок этишини таъминлаш ва бошқа

масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар, таклифлар киритдилар. Йиғилишда бу муҳим ишни жонлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Янгилик

БАКТЕРИЯЛАР ЁРДАМ БЕРМОҚДА

Республика Фаилар академияси Микробиология институтининг экспериментал-тажриба участкасида "azotobakter chroocum" бактериял ўятининг дастлабки юз килограмми ишлаб чиқарилди. Ўлкамизга баҳор келмоқда. Яқин кунларда шаҳар ва қишлоқ бозорлари мева-сабзавотлар билан тўлади. Баъзида бозордаги эртапишар меваларни кўриб, деҳқон ўпта зўр бермадимикин, деган савол тугилади.

Ушбу муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган бактериал ўғитни яратиш устида институт микробиологлари ўн йил изланиш олиб борди. Мазкур препаратнинг ноёблиги шундаки, унинг асосини ердан олинган бактериялар ташкил этади. Пробиркаларда эса улар жуда тез кўпаяди. Эритманинг бир миллилитрида бир миллиард бактерия бор. Масалан, бир тонна бугдойга ёки беш гектар ҳайдалган ерга ишлов бериш учун сувга аралаштирилган ўн литр ўғит керак бўлади. Микроблар ерга тушгач, ўзига атмосферадан азотни сўриб олиб, кўпайишни давом эттиради. Бу препарат экология жиҳатидан тоза бўлиб, ўсимликлар томирини озиклантиради ва


ҳосилдорликни оширади. Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи деҳқон М.Кулбеков ушбу препаратдан фойдаланиб кўрди ва натижасидан мамнун бўлди. Масалан, у пахтани илгаригига нисбатан гектаридан 12 центнер кўп олмоқда. Бактериялар ўғит синаб кўрилган Андихон, Наманган ва бошқа вилоятлар хўжаликларида пахта, галла, бошқа экинлар ҳосилдорлиги янада ошган.

Янги ўғитни ишлаб чиқаришга жорий қилиш иқтисодиёти-мизга ҳам фойда келтиради. Масалан, селитрадан фойдаланишни икки баравар камайтириш мумкин. Шунингдек, бу препарат экспортбop товар ҳам ҳисобланади.

Ўза мухбири.

МЕХНАТ ҚАДРИ

Ҳар гал Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги, унинг ютуқлари ҳақида гап борганда, бир-биридан фидойи, ўз бурчига садоқатли, касбига иштиёқманд деҳқонлар кўз ўнгимизда намоён бўлади.



Уларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли хўжалик ҳар йили, ҳар қандай шароитда ҳам пахта, галла ва бошқа тармоқдаги режаларини ошириб бажариб, хўжаликнинг мавқеини мустаҳкамлаб, бойлиги-га бойлик қўшиб келмоқдалар. Хуш, ширкат хўжалигининг иқтисоди йил сайин мустаҳкамланиб, соф даромади кўпайиб бораётганлигининг боиси нимада? Деҳқончиликда бой тажриба орттирган Эргаш ака Ниёзова мухбирлар, тажрибасини ургангани келган касбдошлари бу ҳақда

кўп савол беришади. Ана шундай пайтда Эргаш ака лўнда қилиб:

— Бизда ҳар бир деҳқоннинг уз меҳнатига яраша манфаат, рағбат қўриши қатъий қонун қилиб қўйилган ва шу билан бирга уларни вақти-вақтида маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб тураемиз, — дейди.

Хўжаликка муваффақият келтираётган бу қонуннинг бузилмаслиги учун энг аввало раиснинг ўзи урناк бўлади, елади, югуради, оромидан кечади. Далаларнинг яшнаши, экинларнинг гуркираб усиши, мулжал-

дагидан ҳам ортиқ ҳосил бериши шундандир!

Ўтган йили салкам 871 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнерга яқин ҳосил олиб, туманда биринчилар қатори режасини уринлатган, галладан ҳам баракали хирмон уйган, гушт, сутни кўпайтиришга эришган ширкат хўжалиги аъзолари яқинда Вазирлар Маҳкамасида булиб ўтган йиғилишда айтилган сузлар ва курсатилган йўл-йўриқлардан руҳланиб, бу йил янги марраларни кўзламоқдалар. Пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагидан ошириш, галла ҳосилдорлигини камида 40 центнерга етказиш учун замин яратиб қўйилди, барча техникалар шай турибди десак, янглишмаган бўлаемиз.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: (юқорида, ўнгдан) бош ҳосилот Қаршибой Ортиқбоев ва пудратчи галлакор Тавбой Абдурашулов, (пастда, ўнгдан) механик Каримжон Қозокбоев ва механизатор Олломурад Ортиқбоевлар бу йилги режалар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Дилшод АХМЕДОВ олган суратлар.

Муносабат

АВВАЛ ЕРНИ БОҚ...

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини белгиловчи асосий тармоқ – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги далзарб муаммолар, энг муҳим масалалар кенг ва чуқур муҳокама қилинди тез ва оғишмай амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

МАЖЛИСДА Юртбошимиз таъкидлаганидек, кейинги йилларда қишлоқ ва сув хўжалиги идоралари, ҳокимлик ва хўжалиқларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари фақат мўл ҳосил ҳақида ўйлаб, ерга эътибор бермай, тупроқнинг экологик соғломлиги, унумдорлиги хусусида мутлақо қайғурмай кўйдилар. Республика миқёсида пахта ва галланинг ўртача ҳосилдорлиги имконият даражасидан анча паст эканлигининг асосий сабабларидан бири шудир. Айрим олимлар бу муаммони ҳал этишнинг мақбул усули ўн далали пахта-беда-галла алмашлаб экиш тизимини илмий асосда жорий этиш ва тўла ўзлаштиришдан иборат эканлигини кўп йиллик амалий тажрибалари асосида тавсия этмоқдалар. Ушбу тизим тупроқни соғломлаштириб, пахта ва дон ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади. Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда тавсия этилаётган алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилса, пахта ҳосилдорлиги 35-40 центнерга, дон ҳосилдорлиги 70-75 центнерга кўтарилари.

Пахта яққаҳокимлиги даврида фақат режа кетидан қувиш оқибатида бутун мамлакат худудида экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ҳам издан чиқди. Мажлисида Президентимиз шундай маълумот келтирди: «Бугунги кунда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг 50 фоизининг мелиоратив аҳволи яхшиланишга муҳтож». Юртбоши таъкидлаганидек, энди бундай аҳволга бефарқ қараб бўлмайди. Зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, яқин йиллар ичида деҳқончиликка ярайдиган унумдор ерларнинг кескин камайиб кетиши шубҳасиздир.

Маълумки, ероти сувлари юзага кўтарилгани сари экинларнинг ҳосилдорлиги пасайиб боради. Сизот сувларининг кўтарилиши эса мавжуд коллектор-дренаж тармоқларига узок йиллардан бери қарамай кўйилгани, оқибатда улар деярли ишдан чиққанлиги сабабли юз беради. Бунинг натижасида суғориладиган унумдор ерларнинг шўрланиш жараёни тезлашади.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, ероти сувларини қочириш мақсадида барпо этилган коллектор-дренаж тармоқлари ҳозиргидек, ўз ҳолига ташлаб қўйилганча ётаверса, Тошкент вилоятининг Чиноз, Бўка, Бекобод туманларидаги экин майдонларини ҳам аста-секин шўр босиши мумкин экан. Куйичирчиқ туманида эса ана шу хавфнинг олдини олишга киришилди. Негаки, туман раҳбарлари ва мутахассислари кейинги йилларда асосий экин турлари ҳосилдорлиги камайиб кетаётганлиги, режаларнинг бажарилмай қолаётганлигининг

асосий сабабларидан бири зах сувнинг юзага кўтарила бошлагани эканлигини тушундилар. Шу боис ўтган йили куздаёқ ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш аниқ режа асосида бошланди.

Туманнинг экин майдонлари Чирчиқ дарёсига туташ бўлганлиги сабабли зах сувлар ер юзасига яқин. Бунинг устига захни қочирадиган иншоотлар кўпдан бери тозаланмай келинган. Бунга барҳам бериш учун мавжуд барча канал ва зовурлар, хўжалиқлараро йирик ариқларнинг ҳолати мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди. Уларни тартибга келтириш учун зарур бўладиган техника воситалари, қанча маблағ кетиши аниқлаб олинди ва шунга қараб ишга киришилди. Дастлабки кунларданок майда-йирик ариқ-зовурларни чуқур қилиб тозалаш ва тартибга келтириш ишларига 21та экскаватор, 11та «Беларус» мослама трактор жалб этилди. Зарурат туғилган жойларда эса бошқа турдаги махсус техника воситалари ҳам ишга сафарбар қилинди. Натижада бугунги кунгача зах сувларни қочиришга хизмат қиладиган иншоотларнинг 70 фоиздан кўпрогини тозалашга улғурилди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбар ва мутахассислари бошқараётган бу муҳим тадбирлар сусайтирмай давом эттирилмоқда.

Республика Президенти ушбу йиғилишда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2010 йилгача мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатма берди. Бу айни муддао бўлиб, келажакда экин майдонларининг тартибга келиши ва ҳосилдорлигининг барқарорлашувига хизмат қилади, албатта. Бироқ эски одатни такрорлаб, ҳукумат томонидан тавсия этиладиган махсус дастурни, айтиш мумкинки, кўрсатмани кутиб ўтирмай, ҳар бир вилоят ва туман, шунингдек, хўжалиқларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ўз худудларидаги мелиорация иншоотларининг аҳволини текшириб, уларни тозалаш ва тартибга келтиришга ҳозирданок жиддий киришилари лозим. Эътироф этиш керакки, кўп вақтдан бери қаровсиз ётиб, деярли ишдан чиққан очик ва ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари бизнинг вилоятимиздаги ҳар бир туман ва хўжалиқда топилади. Уларни яхши ишлайдиган ҳолатга келтириш ва бундан буён қаровсиз ташлаб қўйишни бас қилиб, ҳар йили кўздан кечириб бориш, зарурат туғилса, таъмирлаб туриш қатъий одатга айланмоғи лозим.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

Шундайлар бор бўлсин

Мустақилликка эришган дастлабки йилларимиз эди. Куз куиларининг бирида кекса ўқитувчимиз Тойирхўжа Абдураҳмонов билан суҳбатлашиб қолганим ҳали-ҳали эсимда.

ИЗЛАНИШ БАХТИ



– Биласанми, ҳозир маорифдан келаяпман, – дедилар устоз. – Кўпдан бери бу идорага биринчи боришим. Маориф бўлимига янги мудири тайинланган экан, кўришиб суҳбатлашдик. Роҳат қилдим. Бир жиҳати афсусландим ҳам. Сабаби – маорифга келган янги раҳбарнинг одоби, самимияти. Не-не раҳбарлар ўтмади оҳори тўқилган қалин попқаларини кўтариб, баҳириб-чакириб. Бир мактаб курса, бошқа қишлоқда ҳали туғилмаган ўғилларига ўй бичирганларни ҳам кўрди бу бош.

Аммо буниси бирам бошқача, бирам бошқача! Ипақдек йигит... Салоҳияти-чи?. Маданиятини айтмайсанми, маданиятини!..

Кекса ўқитувчимизнинг ўша ҳаяжонли гапларини эшитганимга ҳам ўн йил бўлаёзди. Шу йиллар ичи устоз таъриф қилган раҳбар билан ўзим ҳам уч-тўрт бор суҳбатлашдим. Тўлқин Эшонхўжаевнинг ҳузурига кирганимда, чеҳрасидаги сокинлик, андишага мойил нигоҳидаги ички бир тийракликни кўриб, ҳузур қиламан. Туман маърифий-маънавий ҳаётидаги янгиликларни, таълим тизимидаги ислохотларнинг боришини аста ҳикоя қилади.

– Туманимизнинг ўзига хослик жиҳатлари кўп, – деди бир суҳбат асносида Тўлқинжон. – Мактабларимиз пойтахтнинг шундай биқинида. Ўқувчиларимизга замонавий касб-корларни беролсак, ишсизлик кўп жиҳатдан ҳал бўлади.

Шу қуни у мактабларда компьютер хоналари ташкил этишга киришилгани, бу мақсад учун маблағни аямаслик зарурлигини қайта-қайта такрорлади. Кейинроқ эшитдим – ҳамма мактабларда компьютер хоналари жиҳозланибди.

Ўртаовул, Ботир, Қатортол, Назарбек қишлоқларида бўлганимда, мактабларнинг моддий-

техника базаси мустаҳкамлаиб бораётгани, қўшимча синф хоналари, янги мактаблар қурилаётганлигини кузатиб юрардим. Бугун сарҳисоб қилсак қувончли бир манзара намоеён бўлади. Тўлқинжон Зангиота тумани халқ таълими бўлимига раҳбар бўлиб келган йиллари мобайнида 32та қўшимча синф хонаси, жами 2241 ўринли 5та янги мактаб битказилиб, замонавий таълим технологияси асосида жиҳозланди. 8та мактаб, 4та боғча газлаштирилди.

Ёки Т. Эшонхўжаевнинг маориф ходимлари ташаббусини, иш самарадорлигини кўтариш борасидаги изланишларини олинг. Халқ таълими ходимларининг меҳнат фаолиятини диагностика усулда баҳолашга биринчи бўлиб шу туманда ўтилган. Ҳозир бутун вилоятда оммолашган бу усулни жорий этиб, самараларини намоеён қилиш учун у озмунчо куйиб-пишдим...

– Туманимизда халқ таълими ходимларидан тушган аризалар икки баравар камайди, – дейди касаба кўмитасининг раиси Аҳмадҷон Усмонов. – Бу кўрсаткич раҳбар фаолиятининг кўп жиҳатларини оқилона баҳолашга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, педагогика жомоларининг муаммоларига сезирлик мактабларда соғлом маънавий муҳитни кучайтирмоқда. Илғор ўқитувчиларни рағбатлантириш, дарсни янгича ташкил қилиш услубларини қўллаб-қувватлашни Т. Эшонхўжаев ўзининг бош вазифаси деб билиб, бу соҳадаги барча сай-ҳаракатларини қаттиқ талабчанлик билан моҳирона уйғунлаштириб юброётир. Худди шу жиҳат тўғайли тиниб-тинчимас, талабчан ва камтар раҳбар обрў-эътибор топмоқда, чинакам ҳурмат қозонмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Польша жисмоний тарбия ва спорт вазири Мичислав Новицки республикаимизда соҳанинг ривожини, яратилган шароитлар билан танишди, спорт федерациялари раҳбарлари билан учрашди. Жумладан, Польша вазири республика Таэквандо (ITF) федерациясида бўлди.

Федерация президенти Пўлат Усмонов меҳмонларга соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Ва Ўзбекистонда оммавий спорт турларидан бири бўлган таэквандо билан бир неча ўн минглаб ёшлар шуғулланаётганини айтганда, М. Новицки хайратини яшира олмади.

– О-о, бу жуда катта кўрсат-

гич. Халқаро турнир ва чемпионатлардан йигитларининг медалсиз қайтмаётганининг боиси шундан экан-да, – деди у.

Нафақат йигитлар, балки қизларимиз ҳам қитъа ва жаҳон чемпионатининг совриндорлари эканлигини билган М. Новицкининг хайрати янада ошди. Шунинг учун ҳам Польша ва Ўзбекистон Таэквандо федера-

цияларининг ҳамкорлигини кучайтириш нияти борлигини айтди.

Суратларда: Польша кураш федерацияси президенти М. Бигошевски, вазири М. Новицки ва П. Усмонов.

Дилшод АҲМЕДОВ
олган суратлар.



DUSHANBA

26

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 Улуғ аждодларимизга эҳтиром. «Ўзбектеlevision» намоиши: «Бибихоним».
9.00 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Мусикий дастур.
9.30, 11.25 ТВ-метео.
9.35 «Сехрли оху». Мультфильм.
9.50 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Нотаниш ворис». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон

телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Олам футбол».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Аския».
13.30 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намоиш этади.
14.25 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
15.25 Кундузги сеанс. «Кўчатлар». Бадий фильм.
16.50 ТВ-анонс.
16.55 «Зиё» студияси намоиш этади.
«Этиқод мустақамлиги йўлида».
17.25 ТВ-клип.
17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».
18.10 «Болаликнинг мовий осмони».
18.30 «Тафсилот».
18.45 Мусикий альбом.
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз кўшиққа тўлсин». Мусикий дастур.
21.40 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
22.00 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
22.20 Ойнаи жаҳон тақдироти. «Филипп Марлоу». Телесериал премьераси. 1-қисм.
23.10 «Ахборот».
23.45 Тунги сеанс. «Хевсур қиссаси». Бадий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
10.25 «Манзур».

10.45 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида».
11.40, 15.45 Мусикий лаҳзалар.
11.50 ЎзТВ хазинасидан. «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
12.25 «Девона». Муқимий номдаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 1-қисм.
13.15 Мультфильм.
13.30 Автосалтанат.
13.45 «Термиз». Манзарали фильм.
13.55 «Девона». Муқимий номдаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 2-қисм.
14.55 «Жаҳон жуғрофияси»: «Акулалар».
15.55 Спорт ҳафтано-маси.
16.10 «Жейн хоним». Бадий фильм 1-қисм.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод»

пochtаси.
17.50 «Олтин миҳ». Мультфильм.
18.00 «Камолот». Хаваскорлар телетанлови.
18.20 «Уйғониш асри». Ёшлар ва тарих.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Кишлоқдаги тенгдошим.
19.55 Ёшлик навалари.
20.05 Ёшлар овози.
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Бир ўлка-ки».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.

1.15-1.20 Хайрли тун.
«Ташкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 20.00, 21.30, 23.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Осойишталик фидойилари».
22.25 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 11-қисм.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Кинонигоҳ. «Мижоз».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар

тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультчархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Контакт».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
18.40 «Клип-антракт».
18.45 «Мени кутгил».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истаиди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревью».
22.15 «ТВ-4да Немис тўлкини».
22.35 «Клип-антракт».
22.45 Кинематограф. «Денгизчи гўзалим». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

SESHANBA

27

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Рақслар гулдаси». Мусикий дастур.
9.15, 12.25 ТВ-метео.
9.20 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
9.40 «Шарқнинг машҳур аёллари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Кишлоқ ҳаёти».
10.20 ТВ-1 кинотеатри. «Жабранувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадий фильм.
11.50, 14.10 ТВ-анонс.
12.05 «Оламга саёҳат».
12.30 Футбол. XX асрнинг сўнги жаҳон чемпионати. Испания-Словения.

14.15 «Маънавият» дастури.
14.55 Эстрада тароналари.
15.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
15.30 «Миллий манфат».
16.00 ТВ-клип.
16.05 Монте-Карлодаги Халқаро цирк фестивали (Франция) 1-қисм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
18.45 «Омад қувончи». Телешоу.
19.05 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Навойихонлик.
21.20 «Сиёсат ва одамлар».
21.35 «Кўшигимиз Сизга армуғон». Мусикий дастур.
22.15 Ойнаи жаҳон тақдироти. «Филипп Марлоу». Телесериал премьераси. 2-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс. «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55 «Уйғониш асри» «Ёшлар ва тарих»
10.15, 13.00 Мусикий

лаҳзалар.
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
13.10 «Жан Кристоф». Телесериал.
14.05 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». 69-қисм.
14.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.40 «Жейн хоним». Бадий фильм 2-қисм.
16.40 Ҳуқуқ ва бурч.
17.00 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги: «Амир Темури боғлари».
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.45 Ватан манзаралари.
18.00 «Таянч».
18.20 «Баҳор лаҳзалари». Телефильм.

18.30 Авторейд.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Баҳоидир Раҳимов кўйлайди.
20.05 Марду майдон.
20.25, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Қоҳиранинг қирмизи атиргули». Бадий фильм.
0.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпиони.
1.40-1.45 Хайрли тун.

«Ташкент» телеканал

18.00 Кўрсатувлар

тартиби.
18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.30, 23.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Жаҳонга нигоҳ».
22.45 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 12-қисм.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Америкалик қизалогим».
1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
17.55 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.05 «Клип-антракт».
18.15 «Кусто команда-сининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.50 «Икки роля».
20.15 «Жонли сайёра».
19.45 «Зарбдор куч-2».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревью».
21.55 «Х-спорт».
22.05 Россия эстрадаси юлдузлари: «Жаноб офицерлар». О. Газманов иштирокидаги концерт.
23.05 Кинематограф. А. Буйнов «Яхши ва ёмонлар» фильмида.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

CHORSHANBA

28

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Кўксув дарёси бўйлаб».
9.05 «Фавқуллода 20 дақиқа».
9.25 Лирик тароналар.
9.45, 12.20 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Юрт ҳақида кўшиқ». Публицистик курсатув.
10.45 ТВ-1 кинотеатри. «Ўғай она». Бадий фильм.
12.05 «Камолот сари».
12.25 «Сехрли анор ҳақида эртақ». Мультфильм.
12.35 «Зулфияхоним қизлари».
13.00 Ўзбекистон

Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Янги тароналар». Миллий эстрада кўшиқ ва куйларининг Республика кўрик танлови. 1-босқич.
13.50, 15.30 ТВ-анонс.
14.10 Яккама-якка жанг. Каратэ.
14.30 «Остонаси тиллодан». Адабий курсатув.
14.55 «Сўздан - созгача». Мусикий дастур.
15.35 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобақа.
16.10 Монте-Карлодаги Халқаро цирк фестивали (Франция) 2-қисм.
17.20 «Инвестиция».
17.30 Экранда — телесериал. «Индаба».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчок».
18.25 «Юки ерда қолмас элимнинг».
18.40 «Аёл дунёни тебратар». Бадий-публицистик курсатув.
18.55 «Офарин» кўрик танлови олдидан.

19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ойдиндир санъатнинг йўллари». Мусикий дастур.
21.45 «Ифтихор».
22.10 «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
«Умид» намоиш этади.
22.30 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига.** «Зур қарвон йўлида». Нукус-Учкудук.
22.50 «Номинг тилларда дoston».
23.00 «Олам». Телеальманах.
23.35 «Ахборот».
00.10 Тунги сеанс. «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 2-қисм.
1.20—1.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
9.35 «Бизнес-академия».
9.50, 12.00 Мусикий лаҳзалар.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 «Давр»-интервью.
10.35 Кинотақдим.
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.40 Ёшлар овози.
12.10 Болалар экран: «Еввойи оқушлар».
12.35 «Камолот». Хаваскорлар телетанлови.
13.55 «Жан Кристоф». Телесериал.
14.50 «Таянч».
15.10 Вилоят ёш хонандалари кўйлайди.
15.30 Ватан манзаралари.
15.45 Авторейд.
16.00 «Бу мунис лаҳзалар» саҳифаларида.
16.30 «Муҳаббат ҳаёт демақдир». Бадий фильм. 1-қисм (Хиндистон)
17.55 Кўрсатувлар

дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси: «Кувнок учрашув».
18.20 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Сийрат.
19.55, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.00 Спорт-лото.
20.10 Қил дастурхон.
20.25 Ёшлар овози.
20.45 Муҳаббат кўшиқлари.
21.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Синовичи учувчилар».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.20-1.25 Хайрли тун!

«Ташкент» телеканал

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Биз ва келажак авлод».
18.30, 20.00, 21.30, 23.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эҳтиром ила».
20.25 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 «Телефакт».
22.55 «Денгиздаги қитлар». Хужжатли фильм.
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 Кинонигоҳ. «Шивир-шивир».
1.40-1.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз

тилида)
16.15 «Мультчархпалак» тартиби.
16.30 «Вести».
17.00 «Қутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
17.50 «Саёҳатлар олами».
18.05 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.15 «Кусто команда-сининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.50 «Клип-антракт».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.40 «Ким миллионер бўлишни истаиди?» Телеўйин.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревью».
22.15 «СНН-шоу».
22.30 Сан Ремо-2000 кўшиқлар фестивали саҳифаларида.
23.00 Кинематограф. «Бегона». Бадий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

PAYSHANBA

1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ассалом, баҳор!» Адабий-мусикий композиция.

9.15 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
9.35, 12.20 ТВ-метео.
9.40 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик курсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Талаб ва тақлиф».

10.20 ТВ-1 кинотеатри. «Бегоналарнинг қиршин мумкин эмас... мумкин». Бадий фильм.
11.35 «Орзулар қанотида».
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Олов — тилсиз ёв».
12.25 Телевизион новеллар театри.
13.00 «Олам». Телеальманах.
13.35 Мусикий драмалардан ария ва дуэтлар.

14.10 Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги. Самарқанд.
14.35 ТВ-клип
14.40 «Болалигим — пошшоллим».
15.00 «Сезимда севги васфи». Концерт.
15.15 «Талабалик йилларим».
15.35 Саргузашт фильмлар экран. «Кора ўқ». Бадий фильм.
17.00 «Фарзанд — умид юлдузи».

17.15 «Наво таралсин». Мусикий дастур.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Сихат-саломатлик».
18.55 «Офарин» кўрик-танлови олдидан.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.25,

21.00, 21.40 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Музыка: кеча ва бугун». Мусикий дастур.
21.45 «Қабул соати».
22.05 «Қураш — миллий ифтихоримиз». Спорт дастури.
22.25 Ойнаи жаҳон

тақдироти. «Филипп Марлоу». Телесериал. премьераси. 3-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс. «Қайлик ўғирлаш». Бадий фильм.
00.55—1.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»

▼ студияси: «Кувнок учрашув».
9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.55, 12.40 Муסיкий лахзалар.
10.05 Ёшлар овози.
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
12.55 Сийрат.
13.15 Сенинг вақтинг.
13.35 Спорт қитъаси.
14.00 Болалар экрани. «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи».
15.20 «Ёшлар» телеканалда спорт:

Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
16.10 «Мухаббат ҳаёт демакдир». Бадийий фильм 2-қисм.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
18.00 «Тараққиёт».
18.15 «Наврўз кўшиқлари».
18.25 «Табобат оламида».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва

Эколаш.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Дастхат».
20.10 Ёшлар овози.
20.30, 21.25, 22.30 Ёшлар овози.
20.35 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.30 «Бегийим».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Даллас». Телесериал.
23.20 «Давр». Ахборот дастури.
23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар

лигаси.
1.05-1.10 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эхтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
22.15 «Спорт оламида».
22.35 ТТВда сериал:

«Ўғрини ушла». 13-қисм.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Граф Монте-Кристо». 1-қисм.
1.25-1.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультичархпалак».
16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».
17.00 «Кутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
17.55 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.05 «Клип-антракт».
18.15 «Кусто команда-сининг барча саёхатлари». Сериал.
18.45 «Клип-антракт».
18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Жараён» дастурида.
19.40 «Махфий ҳужжатлар» (X-falls). Сериал.
20.35 «Клип-антракт».

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Бизнес-ревью».
21.55 «Кино сайёраси».
22.20 Россия эстрадаси юлдузлари: «Машина времени» гуруҳи иштирокидаги концерт дастури.
23.00 Кинематограф. «Кичик полковник». Бадийий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

JUMA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Биби Убайда».
9.10 «Куйла, дилкаш дуторим». Концерт.
9.35, 12.30 ТВ-метео.
9.40 «Унутмас мени боғим». Адабий курсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 ТВ-1 кинотеатри. «Нодир шахс». Бадийий фильм.
11.40 «Ғазалхон ёшлигим».
12.05 «Ўзлинг намоен қил!» Экран-

да — Сирдарё вилояти.
12.35 Телевизион новеллалар театри.
13.15 «Ватан мадҳи». Муסיкий дастур.
13.50 ТВ-анонс.
«Спорт» дастури:
14.10 «Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
14.30 «Шатранж олами».
14.50 ТВ-клип.
15.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
15.25 «Буни умр дерлар».
15.40 Кундузги сеанс. «Омад хамиша келавермайди». Бадийий фильм.
16.55 ТВ-анонс.
17.05 «Дунё адабиёти».
17.25 ТВ-интернет.
17.30 Экранда — телесериал. «Индаба».
18.10 Болалар учун. «Хикматлар хазинаси».
18.25 «Парламент вақти».
18.40 ТВ-клип.

18.45 «Омад кувончи». Телешоу.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Ёшлар овози.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво». Навоий лирикаси.
21.45 «Биз билган, билмаган тарих».
22.15 «Кийёфа».
22.35 «Олам». Телеальманах.
23.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Харбий муаллим» (Тошкент) — «Прогресс» (Зарафшон)
23.40 «Ахборот».
00.15 Тунги сеанс «У дунёдан келган котил». Бадийий фильм.
1.45-1.50 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар

дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.20 «Бузоқча». Мультфильм.
9.35 «Тараққиёт».
9.50, 10.35, 13.20, 16.45 Муסיкий лахзалар.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 «Давр»-интервью.
10.45 «Даллас». Телесериал.
11.30 «Бегийим».
11.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
13.30 «Жан Кристоф». Телесериал.
14.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Испания қалби».
15.15 «Аму наволари».
15.35 «Одил сўз».
15.55 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 70-қисм.
17.00 «Алатепалик авлиё». Телевизион бадийий фильм.

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
17.50 Ёшлар овози.
18.10 «Келақол, Наврўз!» Муסיкий-шеърый композиция.
18.25 Ҳуқуқ ва бурч.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Азизим.
19.55 Аср қиёфаси.
20.10, 21.10, 22.30 Ёшлар овози.
20.15 «Жан Кристоф». Телесериал.
21.15 Бахс.
21.35 Аскар мактублари.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари».
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50-24.00 Мунаввар

тонг истаб.
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мисли гавҳар».
18.30, 20.00, 21.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
19.35 «Эхтиром ила».
20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
21.55 «Ёшлар худуди».
22.40 ТТВда сериал: «Ўғрини ушла». 14-қисм.
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ. «Граф Монте-Кристо». 2-қисм.
1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар

тартиби.
16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.15 «Мультичархпалак».
16.30 «Вести».
17.00 «Кутлуг бахт тилаги-2». Сериал.
17.55 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.05 «Клип-антракт».
18.15 М. Евдокимов хузурида меҳмонда.
18.50 «Кун мавзуси».
19.05 «Дурдаршан».
19.30 «Аралаш».
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.55 «Бизнес-ревью».
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Зевс ва Роксана». Бадийий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

SHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Аму наволари». Концерт.
9.15, 11.45 ТВ-метео.
9.20 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
«Умид» намоиш этади.
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.00 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Спорт дастури».
10.20 «Ринг». Спорт дастури.
10.40 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
«Автомобилчи» (Кўкон) — «Самарқанд-Телеком» (Самарқанд)
11.10, 13.55 ТВ-анонс.
11.20 «Телевидение ва

томошабин».
11.50 «Яхши кайфият». Муסיкий дастур.
12.20 «Ёзувчи ва замон».
12.40 ТВ-1 кинотеатри. «Гул ва тош». Бадийий фильм. 1-қисм (Хиндистон)
14.00 «Дўстлик» видеоканали. 1. «Меҳрангез». 2. «Жетиген».
14.20 «Гул ва тош». Бадийий фильм. 2-қисм.
15.35 «Нурафшон». Тележурнал.
15.55 Футбол. XX асрнинг сўнги жаҳон чемпионати. Англия — Германия.
17.25 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.05 «Истеъдод». Муסיкий дастур.
18.25 Болалар учун. «Бинафша».
18.50 «Санъат олами».
19.10 «Кишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Ёшлар овози.
19.30 «Ахборот» (рус

тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Навоийхонлик».
21.15 «Даврани кенгрок олинг». Муסיкий дастур.
21.45 «Иш билганга — минг танга». Телетанлов.
22.25 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоғи» халқаро турнири.
23.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.35 «Жазда фақат қизлар». Бадийий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».
9.20 «Жаҳон жуғрофияси»: «Ақулалар».
10.10 «Табобат оламида».

10.30, 15.15 Муסיкий лахзалар.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари».
12.00 «Аср қиёфаси».
12.15 «Рамаёна». Телесериал.
12.50 Узтелерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
13.10 «Кутилмаган меҳмон».
13.30 Мутуйба.
13.50 Бола тилидан.
14.20 «Жан Кристоф». Телесериал.
15.25 Хайрат.
15.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
16.30 «Оби ҳаёт». Тележурнал.
16.50 «Келинлар кўзғолони». Бадийий фильм. * * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
18.25 «У ким? Бу нима?» Болалар учун курсатув.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Каталог.
19.45 «Соҳибқирон боғлари». Муסיкий дастур.
20.00 «Европа билан ҳамкорликда». Биродарлашган шаҳарларнинг Тошкент анжумани.
20.20, 21.00, 23.10 Ёшлар овози.
20.25 «Рамаёна». Телесериал.
21.05 Ёшлар овози.
21.25 «Футбол плюс».
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Кўнгул кўнгулга пайванд.
23.00 Тунги тароналар ва Эколаш.
23.10 Шанба экрани. «Киш адоғи». Бадийий фильм.
0.45-0.50 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30 «ТВ-плюс».

18.50 «Бу ҳам кино». Телесериал. 11-қисм.
19.15 «Эхтиром ила».
19.45, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.05 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
21.55 «Дурдона».
22.10 «Аёл — она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.30 «Спорт-тайм».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ.
«Судда куришгунча».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Инглиз тили Сиз учун».
9.20 «Кино сайёраси».
9.45 «Дурдаршан».
10.10 «Смак».
10.30 Е. Петросьяннинг «Кулгу панорамаси».
11.10 Кундузги сеанс: «Қойилмақом еттов».

лоннинг янги саргузаштлари». Бадийий фильм.
12.45-13.35 Дўстлик видеоканали: «Чинсен», «Немис шарҳи», «Сахий хонадонда».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Жажжи малика».
17.10 «Интернет худуди».
17.25 CF1 тақдим этади: «Денгиз афсонаси».
17.50 «Мюзик-холл».
18.15 «Эслашлари учун» Л. Филатов олиб боради.
19.10 Буюк изкувлар: Лейтенант Коломбо.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревью».
21.45 «7 дан 70 гача».
22.15 Кинематограф. А. Челентано «Бинго-Бонго» фильмида.
23.45 Ахборот (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

YAKSHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Достон». Фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
9.20, 11.55 ТВ-метео.
9.25 «Ғаройибот».
9.40 Мультфильм.
«Умид» намоиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Яхши ният». Телелотерея.
11.35 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Она меҳри».
12.00, 14.10 ТВ-анонс.
12.05 «Шоирлар - болаларга».
12.25 «Ошиқ буюкчи ҳақида эртақ». Бадийий фильм.
13.45 «Наврўз

нафаси». Адабий-муסיкий композиция.
14.15 «Кувнок шаҳарча». Телевизион ўйин.
14.40 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиғига.** «Мустақиллик тимсоли». Ўзбекистон театрларининг фестивали. А. Навоий. «Искандар». Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
16.00 ТВ-клип.
«Спорт» дастури.
16.10 Яккама-якка жанг. Тазквондо.
16.30 «Бильярд клуб».
17.00 «Спорт уик-энд».
17.20 «Қалб гавҳари».
17.40 Ойнаи жаҳон тақдмоти. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Кишлоқ ҳақида

ўйлар».
18.45 «Оҳангларга ошфута кўнгул». Муסיкий дастур.
19.05 «Туртинчи хокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, Ёшлар овози.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Олтин мерос».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Муסיкий дам олиш дастури.
21.45 «Телевизион миниатюралар театри».
«Спорт» дастури.
22.15 Эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоғи» халқаро турнири.
22.45 «Олам футбол».
23.15 ТВ-1 намоиш этади.
«Якшанба кинозали».
23.30 Кино янгиликлари.
23.45 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадийий фильм.
1.25-1.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».

9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Футбол плюс».
9.40 Ёшлар овози.
10.00 Болалар экрани «Маугли».
11.35 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон, 2. Аскар мактублари.
12.15 «Очил дастурхон».
12.30 «Рамаёна». Телесериал.
13.05 «Фарғона наволари». Муסיкий дастур.
13.25 Кишлоқдаги тенгдошим.
13.45 «Икки юз ёшли одам». Бадийий фильм.
15.50 Спорт ҳафтано-маси.
16.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Синовичи учувчилар».
16.50 Ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ойлиғи: «Амир Темур боғлари». Видеофильм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
17.40 «Ақлдан оздира-

диган ўйинлар». Телесериал.
18.05 Якшанбада кўришгунча.
18.20 Очун.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ҳафта ичида».
19.40 «Худуд».
20.00 Синфдош.
20.20, 21.00, 23.10 Ёшлар овози.
20.25 «Рамаёна». Телесериал.
21.50 «Ёшлар» телеканал тақдим этади: «Тарона-2001» мукофотларини топшириш маросимидан ёзиб олинган муסיкий дастур.
22.00 «Давр»-news.
22.15 «Тарона-2001». Муסיкий дастур (давоми)
23.15 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Кечиккан балиқ ови». Бадийий фильм.
0.45-0.50 Хайрли тун.
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Митти юлдузлар».
18.30 «Бу ҳам кино». Телесериал. 12-қисм.
18.55 «Эхтиром ила».

19.25, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.25 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
21.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.35 «Онлар дунёси».
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.05 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». 5, 6-қисмлар.
00.30-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Яхши кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
13.00 «Парле ву франсэ?»

13.25 «Фан-тайм».
13.35 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
14.10-14.40 «Немис тили».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Мультичархпалак».
16.50 «CFI янгиликлари».
17.00 «Жонли табиат».
18.00 «Тенгдошлар».
18.20 «Британия қундалиғи».
18.40 С. Светличная ва В. Висоцкий «Ошпаз аёл» комедиясида.
20.05 Арнольд Шварценеггер «Жангари фильмнинг сўнги қахрамони» саргузашт фильмида.
22.30 «Бизнес-ревью».
22.55 Кинематограф. «Самоларга етарми оҳим». Бадийий фильм.
00.15 «Тахлилнома» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин».

КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИМ

Йиллар ардоғи

Йиллар ўтиб борарди меҳнат билан, ижод билан. Шу давр мобайнида вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида бўлдим. Саноат корхоналарида, қурилишларда, хўжаликларда оддий одамлар билан учрашдим, суҳбатлашдим. Норасмий ано шундай гурунларда теша тегмаган гапларни эшитардим, кишилар менга юрагини очарди. Бора-бора мендаги, китоблар туфайли шаклланган нуқтаи назарга дарз кетгандек бўлди.

Газеталарда ёзаётганимиз, радио ва телевизорда гапириётган сўзлар мен кўраётган ҳаётга мос тушмасди. Шундай қишлоқларни кўрдимки, улардан XVII-XVIII асрнинг хиди шундоққина анқиб турарди. Бу қандай бўлди, «социализмнинг шарқдаги машъали» ҳали шуми? Ҳаёллар, ҳаёллар... Шундай бўлдики, улар мени на кундузи ва на кечаси тинч қўйишарди. Турмуш деярли ибтидоий даражада бўлган жойларни кўрганимда ўзимни йўқотар ҳолатга тушардим. Буларнинг барчаси фақат кайфиятимга эмас, балки ишимга ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Илгариги шашт пасайди, ўша мени безовта қилаётган, тинчимни, ҳаловатимни ўғирлаган саволлар исқанжасидан чиқиб кетишининг иложини топа олмай қолдим. «Нега», «Нима учун», «Не сабабдан»... хуллас охири кўринмасди бу каби саволларнинг.

Афтидан мендаги руҳий ўзгаришларни атрофимдагилар сеза бошлашди. Тенгдошларимга ўша мени қийнаётган масалалар билан мурожаат этардим, баъзилари елка қисса, бошқалари «бу ҳақда бош қотирадиганлар бор, сенга нима» дейишарди-ю, мен бундан қониқмасдим...

Хуллас, шундай ҳолатга тушиб қолгандим.

Кунларнинг берида тахририятда навбатчи эдим. Барча саҳифалар ўқиб бўлинди. Охириги бетга қўл қўйдим-да, уни кўрсатгани муҳаррир хузурига кирдим. У ҳам синчиклаб саҳифани кўздан кечиргач, имзо қўйди.

— Энди кетсак бўлар, — деди у девордаги соатга қараётиб, — ўх-хо, ўн икки бўлиб қолибди-ку, — деди ва гаражга телефон қилиб, машинани чақирди. Сўнг менга тикилиб туриб савол берди: — Бу дейман, кейинги пайтларда шаштинг бироз пастроқ кўринадими, тинчликми, бола-чақанг, уйдагилар омонми? Бирор нарса бўлса тортинма, ёрдам бераман, дардингни менга айтмасанг, кимга ёриласан...

Унинг кейинги сўзлари менга далда бергандек бўлди, хонаси келди айтаман, деган тўхтама келдим, аммо вақт алламаҳал бўлиб қолгани, ҳар иккимиз ҳам чарчаганимизни ўйлаб, «ёрилиш»га юрак дов бермади, Зиёд ака, чамаси, ҳолатимни сезди.

— Ҳозир мен раҳбар эмасман, бир акангдек одамман, тортинмай гапиравер.

Нималар безовта қилаётганини, тинчим бузилиш сабабларини айтдим.

— Қарорлар қабул қилинавери, чақириқлар устига чақи-

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

риқлар, шиорлар устига шиорлар... Лекин аҳвол ўзгармайди. Даста-даста қарорлар, кўрсатмалар, фармойишлар қозғаларда қолиб кетаверади. Нега ўзимизни ўзимиз доимий равишда алдаймиз, шунга тушунмаяпман, яширмайман, ҳаётдан ҳафсалам пир бўляпти, турмуш ўз жозибасини йўқотяпти, ахир ҳали ёшман-ку, тарки дунё қилишга ҳали эрта. Аммо, қарамоғимда уқаларим, бола-чақам, онамлар бўлмаганда, ҳаммасига қўл силтаб бор-е, деб, бошимни олиб, тоғу тошларга чиқиб кетардим. Тайинсиз гапларни ҳам эшитмай, бир-биримизни алдаб, гуноҳга ботмай деб...

Афтидан ҳаяжон ва алам билан айтдим бу сўзларни. Бир вақт қарасам энтикяпман. Ошириб юбордимми, деган ҳаёлга бордим. Бирдан ақли-хушимни тўплаб, ҳижолат ҳам бўлдим.

— Шунақа гаплар дегин, — муҳаррир менга узоқ тикилиб қолди. Сўнг бироз тин олди ва ниҳоят деди:

— Саволларингга икки оғиз сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Шунчалик ўртанаётган экансан жавоб беришим шарт, албатта жавоб бераман. Гапимиз пича чўзилади, бошқа ходимларга руҳсат берайлик, машина уларни уйларига ташлаб келсин, кейин биз кетамиз.

У чой дамлатди. Эринмай қайтарди, менга пиёла узатди, ўзига ҳам қуйди.

— Гап бундай, аввало кўнглини ёрганинг яхши бўлди, бундай сўзларни дуч келган кимсага айтиб бўлмайди, ҳар қанақасига буриш мумкин. Сўзларинг жуда қалтис, илло гапларинг ҳақ, бунга мен сенга ака сифатида айтяпман, муҳаррир сифатида эмас.

Дунё, ҳаёт ҳамма вақт жумбоқларга тўла бўлган, ҳозир эса улар болалаб кетди. Борди-ю ҳамма сендек фикрласа, сендек ўйласа, сендек ҳаракат қилса, бу жумбоқлар камроқ бўлармиди? Қарорлар ва чақириқларга келсак, шунга айтаманки, уларнинг бажарилмаслигини қўл кўтариб қабул қилганлар эмас, балки уни ёзганлар ҳам аввалдан яхши билади. Ният деган нарса бор инсонда, шу яхши ният билан ўшандай қарорлар қабул қилинади, бордию улардаги режаларнинг ярими ҳам бажарилса, биз учун ютук. Бошқа томонларини сенга ҳаётнинг ўзи тушунтиради, ўргатади. Ҳали ҳеч замонда кишининг истаги билан иш натижаси бир

хил бўлмаган, бўлмайди ҳам. Бунинг номини ҳаёт дейдилар, ниятлар ва курашлардан иборат у. Инсон табиати шунақа ўзи, бир сафар бўлмаса, бошқа сафар бўлар, дейди ва интилаверади, тинмай интилаверади.

Зиёд ака яна ўйланиб қолди. Юрагимнинг ич-ичида барибир ўша «нега шундай» деган савол қайта ва қайта бош кўтарарди.

— Хуллас, буёғини ҳаёт ўргатади, сабоқ беради, — деди ниҳоят у, — энг зўр мактаб — бу ҳаёт, унинг сабоғидан зўрроқ сабоқ бўлмагай, аста-секин пишйсан. Атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаганинг яхши, лекин хулосалар чиқаришга сира-сира шошилма. Касбимиз нозик, жуда нозик, қил кўприкнинг устидан ўтишдек гап. Лангарни маҳкам ушла, мен ҳақман, гапим тўғри-ку, деб сўз айтмоқлика шошилма. Омон бўлсак буёғини ҳам кўраверамиз.

Очигини айтсам, гарчи мени қийнаётган саволларга мукамал жавоб олманган бўлсамда, илло анча ховурдан тушдим, юрак тинчигандек бўлди.

Орадан йиллар ўтди, ўзим ҳам узоқ давр муҳаррир бўлиб ишладим, шу давр мобайнида қалтис вазиятларга тушиб қолганимда устозимнинг ўғитлари, менга берган сабоқлари қўл келди, халоскор бўлиб хизмат қилди: ўша даврларда ҳам зиёлилар орасида кундалик сиёсатга шубҳа билан қаровчилар кам эмас, гап кўп эди, илло кўмир оз эди, дардлилар бор эди, лекин, дармон топилавермасди. Тақдир экан, бизнинг авлод пешонасига ана шундай замонда яшаш ва меҳнат қилиш ёзилган экан. Қизик, кейинчалик худди ҳозирги ҳолатимдаги каби ҳолатда менга мурожаат қилганлар бўлди. Мансабни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, дилдан гаплашишга, имконим қадар тушунтиришга ҳаракат қилдим. Айтиш керакки, кўпинча тўла қониқиш ҳосил бўлмасди.

Ҳа, дунё ҳаммаша жумбоқларга тўла бўлган, бирини ечсанг бошқаси пайдо бўлавераркан. Ажаб дунё, деб бекорга айтмаган эканлар...

Ўша пайтларда тахририят хузурида икки йиллик вилоят ишчи ва қишлоқ муҳбирлари университети фаолият кўрсатарди. Машғулот кунлари туманлардан турли касб эгалари келишарди. Назарий машғулотларни етакчи қаламқашлар ўтказишарди. Савол-жавоблар жуда қизгин тор-

тишувлар билан ўтарди. Амалий машғулот сифатида бўлим мудирини Нўмон Насимов раҳбарлигида савдо ва маиший хизмат соҳалари бўйича оммавий рейдлар ўтказиларди. Уларнинг таъсир кучи зўр бўларди.

Ходимларнинг барчаси ўз касбининг фидойиси эди. Вақт билан ҳисоблашилмасди. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида очерк ёзса арзийди. Шу даргоҳда биргаликда туз ичган касбдошларим бир умрга қалбимдандир. Лекин муҳарриримиз Зиёд ака ҳақида андак бўлса ҳам айтиб ўтиб кетмасам бўлмас. У ҳаммаша ёниб турарди, оёғидан ўт чиқарди, ғайратига тан берардик.

— Бошларингга қилич келса ҳам тўғриси айтларинг, айёрлик қилмаларинг, самимий бўлларинг, касбингга, дўстингга ҳиёнат қилмаларинг. Тўғри бўлсаларинг қоқилмайсизлар, ўсасанлар, туп қўйиб, палак ёзасанлар, — устоз ёшлар билан мулоқотда кўпинча шундай деб таъкидларди, сўздагина эмас, амалда ҳам бунга бизга намуна қилиб кўрсатарди. Керак бўлса ходимлар билан соатлаб суҳбатлашарди, ҳаётдан, турмушнинг мураккаб сўқмоқ йўллари, чалқашликларидан сабоқ берарди, қўлёзмаларни эринмай ўқир, тахрир қиларди. Ходимлардан кимнинг қандай ижодий режалари бор, ким нима ҳақда ўйляпти, яшаш шароити қандай, оиласида кимлар бор — ҳамма-ҳаммасидан хабардор, ҳисобга олиб юрарди.

Ўрни келганда қаттиққўллик қиларди, лекин асоссиз бирор кимсанинг бурнини қонатганлигини билмадик, кези келганда эса мураббийларга хос меҳрибонлик ва эътибор кўрсатарди.

1961 йили Зиёд ака «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррир этиб тайинланди. Хайрлашув кунни жамоага қараб айтган сўзлари ҳамон ёдимда.

— Сизларнинг меҳр-оқибатларингизни қаерда бўлмай, ким бўлиб ишламай, бир умрга унутмайман, — деган эди у ўша пайтда ва бутун кейинги йиллар мобайнида шу айтган сўзларига содиқ қолди. Унинг учун ходимнинг катта-кичиги йўқ эди — шофёрми, мусаҳҳихми, машинистками, ижодий ходимми, бўлим мудирими — барибир, ҳаммасига инсон деб қарар ва уларнинг қадрига етарди, хурматини жойига қўя биларди.

Газетага ўзимизнинг Мақсуд ака Қориевни бош муҳаррир этиб тайинлашди. У кишини ҳаммамиз ҳам хурмат қилардик, ҳам севардик. Кишиларга нисбатан ўта самимий эди, истаган пайтда хоҳлаган масала бўйича мурожаат қилиш мумкин эди. Ходимлар билан у киши ўртасида ҳеч қачон расмий ия тилик бўлмаган. Биз ҳаммамиз худди туғишган ака-уқалардек эди. Биров тўй қилганими ёки бошига мусибат тушганими — ҳамма бир ки-

шидек ўша ходимнинг ёнида бўлардик. Айниқса, Зариф ака Муҳаммаджонов кунлаб ўша хонадонда қолиб кетарди. Хонадоннинг қандай кам-қўсти бор, нимага муҳтож — буларнинг барини бут қилмагунча тиниб-тинчимасди, раҳматли.

Шу қутлуг даргоҳда ўзбекиона ўзига хос шеърлар битиш услубига эга бўлган хассос шоир Султон Акбарий билан ҳам ишлашга тўғри келган эди. У таҳририятда масъул котиб бўлиб ишлади. Жамоамиз сафида қисқа муддат ишлаганига қарамай ўзининг ишчанлигини, жўшқинлигини, ҳозиржавоб шоир сифатида ҳам, масъул котиб сифатида ҳам ҳаммамизнинг хурмат-эътиборимизни қозонди. Султон акани газета материалларини саҳифалашнинг пири эди, дейиш мумкин. Мақола-хабарларни саҳифаларга жуда кўримли қилиб жойлаштириш, рунлар, саҳифа, қўш саҳифаларнинг ҳамма учун маъқул умумий сарлавҳаларини бир зумда ўйлаб топарди, ходимларига мақолалар мавзуларини айтиб турарди.

Ўша пайтда Назармат ака, Султон Орипов ва камина участка курдик. Барча ҳашарга борган, қўлидан келганча қарашган, оғирини имкон қадар енгиллатишга интилган. Эсимда, дам олиш кунини Назармат аканиқанда лўмбоз босилмаган бўлди. Муҳаррирдан ташқари ҳаммани хабардор этдик. Барибир Мақсуд ака бундан хабардор бўлган. Мени чақириб (у кишига ўринбосар эдим) гина қилган бўлди.

— Нега мени четлаб ўтмоқчисизлар? Ахир мен ҳам шу жамоанинг азозсиман-ку.

Шундай қилиб, дам олиш кунини Назармат аканиқанда ҳашарда бўлдик. Қий-чув, асқича, ҳазил-хузул авжга чиқди. Муҳарриримиз, биз уни қанча авайламайлик, ҳамма қатори тер тўқди. Барчамизнинг юз кўзларимизга лой сачраган, эгинларимизда жомакор — бу холни кўриб ҳам ҳайрон бўлардик, ҳам қувонардик. Мана шундай ҳолларда ходимларнинг бир-бирига оқибати, меҳри илдиз отарди, палак ёзарди. Фахрланиб айтаманки, жамоада ҳамма бир-бирига устоз-шоғирд эди. Бунда эгаллаган мансабнинг, мавқенинг аҳамияти бўлмасди. Ўша пайтларда Москвадан келган расмий материалларни ЎзТАГнинг етакчи таржимонлари келиб, кўпинча биздаги матн кўчирувчиларга айтиб туриб ёздирардилар. Уларга ҳавасим келарди, жуда мураккаб мақолаларни ҳам шундай, матнни қўлга олиб, уёқ-буёққа юриб туриб, ўзбекчага ағдариб ташлайверишарди.

Машинисткаларимиз орасида Марям опа дегувчи бўларди. Ўта тажрибали, билимдон. Зарифа опа турмуш ўртоқлари Ойбек аканинг асарларини оққа кўчиришга фақат шу опамизга олиб келганларидан хабардор эдик. Биз ёзган хабар ва мақолаларда кам-қўстларни йўл-йўлақай тузатиб кўчирарди. Бир кун кекса таржимонлардан Шербек Алиевга ҳавасим келишини айтиб қолдим.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.
(Давоми бор).



1963 йилда олинган ушбу суратда «Тошкент ҳақиқати» газетасида турли йилларда бош муҳаррир бўлиб ишлаган Зиёд Есенбоев (ўнгдан), Мақсуд Қориев ва Аҳмад Исмоилов.

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Талаба ёшларга микробиология фани бўйича пухта билим бериш мақсадида республикамизнинг қатор олий ўқув юртлирида «Биотехнология» кафедралари ташкил этишга киришилди. Тошкент Давлат Аграр университетиде янги очилган бундай кафедра ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Бу муҳим ишни амалга оширишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг микробиология институти жамоаси университетга яқиндан ёрдам кўрсатди. Ўқув дастури ва режаларини тайёрлашда ҳам ҳамкорлик қилинди.

Акбар АЛИЕВ.

МУРУВВАТ ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси Германиялик ҳамкорларнинг 100 минг АҚШ доллари қийматида тенг мурувват ёрданини қабул қилиб олди. Маросимда немис компанияларининг Ўзбекистондаги вакиллари, соғлиқни сақлаш идоралари, болалар даволаш муассасалари, меҳрибонлик уйлари вакиллари иштирок этди.

«Мерк» фармацевтика фирмаси қий-

мати 61 минг доллардан ошиқ, таркибида йод моддаси бўлган дориларни етказиб берди.

Шу кунги жамғармада Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари-га хориждан сотиб олинган «В» гепатитига қарши вакцина топширилди. У пойтахт вилоятининг болалар даволаш муассасаларига тарқатиш учун мўлжалланган.

ЎЗА мухбири.

МУЗОКАРАЛАР ОЛДИДАН БЕРИЛГАН ЗАРБА

Американинг 16та ва Британиянинг 8та самолёти Бағдод атрофига ёғдирган бомбалар кейинги икки йил мобайнида қўлланилган бундай жанговар тадбирнинг биринчиси бўлди. АҚШнинг янги президенти Бушнинг Саддам Хусайнга ўз муштини кўрсатиб қўйиш учун уюштирилган бу саъй-ҳаракат туфайли уч нафар одам ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди. Мазкур тадбир учун штатлар раҳбари БМТ Хавфсизлик Кенгашидан ризолик олишга уринмаганини айтиб ўтмасам ҳам бўлади.

Зарба бағдоддагиларни ваҳимага солиш у ёқда турсин, аксинча, садоқатли юртдошлари орасида Хусайн нуфузини янада орттирди. Пентагоннинг тан олишича, Ироқнинг ҳарбий ҳаво кучларига мансуб воситалари мамлакатга Саудия Арабистони ва Кувайт томонидан кириб келаётган АҚШ ва Буюк Британия самолётларини яна кузата бошладилар. Бағдод бўйича аксил-америкавий ва аксилисроил шюрлари остида катта намоишлар бўлиб ўтди.

Бағдод ёнида ракеталарнинг портлаши Исроилда ҳам катта акс-садо берди. Зеро, у ерда 1991 йилдаги Форс кўрфазиди бўлган уруш чоғида Исроил худудига Ироқнинг «Скад» типидидаги 39 ракетаси учирилганини унутганлари йўқ. Америка-Исроил ҳарбий машқлари ҳам айнан гўёки Ироқ томонидан бўладиган ҳужумни даф этишга бағишланди.

Жуда кечкиб бўлсада, халқаро дипломатия анча фаоллашди. Америка-Британия ҳужуми муносабати билан «ҳатто бармоғини ҳам қимирлатмаган» деб Бағдод томонидан кескин танқид қилинаётган БМТ Хавфсиз-

лик Кенгаши сешанба куни шу масала бўйича ёпиқ маслаҳат кенгаши ўтказди. Кейинги ҳафта эса, Нью-Йоркда БМТ раҳбарияти ва Ироқ ўртасида бундан икки йил муқаддам узилиб қолган ҳамкорликни янгилаш мақ-

садида музокаралар бошланди. БМТ бош котиби Кофе Аннан Бағдод яна ҳарбий назоратчиларни қабул қилади ва бу Ироққа нисбатан қўлланилган иқтисодий таъқиқнинг бекор қилиниши томон қўйилган қадам бўлади, деб умид қилмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

- Уртаер денгиздаги Ашдоқ порти яқинида ҳалокатга учраган Украинага тегишли кема экипажининг ўн икки нафар аъзоси Исроил ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли вертолёт ёрдамида қутқарилди. Хабарларга кўра, денгизда кучли довул давом этаётган бир пайтда чуқаётган кемага фақатгина вертолёт ёрдамида яқинлашиш мумкин бўлган, холос.
- Колумбияда террорчилар Кали шаҳридаги марказий қамоқхонани портлатишга ҳаракат қилди. Хабарларга қараганда, улар юз килограмм кучли портловчи модда - пентолитни вертолётдан қамоқхонага ташлаган.
- 2000 йилда Россияда қашшоқлар сони 5 фоиз камайди ва жорий йилнинг бошига келиб 31 миллионни ташкил этди. Россия меҳнат ва ижтимоий тараққиёт вазири Александр Починок шундай деди. Унинг айтишича, бу кишиларнинг даромади ҳаёт кечирishi минимумдан пасдир. 2002 йил охирига келиб мамлакатда қашшоқлар сони 17-18 миллионга тушади, деди вазир.
- Собик президент Сухартонинг қизи Сити Хардиянти Рукмана коррупцияда гумон қилиниб, прокуратурага қақирилди. Дастлабки терговдан маълум бўлишича, йирик молия-саноат гуруҳи раҳбари бўлган бу аёл Ява оролида нефт қувури ўтказиш билан боғлиқ 300 миллион доллардан ошқ бўлган лойиҳани амалга ошириш пайтида йўл қўйилган молиявий қинғирликка дахлдор бўлиши мумкин. Прокуратура С. Х. Рукманага мамлакатдан чиқишни тақиқлаб қўйди.
- Буюк Британия ва АҚШ Ироққа қарши янада самаралироқ курашиш йўллари изламоқда. Бирлашган қироллик ташқи ишлар вазири Робин Кук шундай деди. Унинг айтишича, Буюк Британиянинг Ироққа нисбатан юрилтаётган сиёсатидан унча стратегик мақсад кўзда тутилган. Яъни, Ироқнинг оммавий қирғин қуролидан ҳимояланиш, қўшни мамлакатларни Ироқ истилосидан ҳимоя этиш ва айни пайтдаги тузум жабр-зулмидан Ироқ аҳолисини муҳофаза қилиш.
- Покистон Россиянинг Ҳиндистондаги Тарапур шаҳри атом электр станциясига ядро ёқилғиси етказиб берганидан қаттиқ ташвиш билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазири вакилининг айтишича, Ҳиндистон бу ёқилғидан ҳарбий мақсадларда фойдаланиши мумкин. Россиянинг Ҳиндистонга замонавий қурол-яроғ, жумладан, танк ва жанговар самолётлар берганидан кейин амалга оширилган бу савдо расмий Исломободда жиддий ҳавотир уйғотади, деди вакил.

“ХОНАНДА” ФИЛЛАР

Таиландда 9та фил эстраданинг ҳақиқий “юлдуз”ига айланди. Қобилиятли филлар хартурмулари билан мусиқа асбобларини чалишни урганиб олган. Улар иштирокидаги концертларни хорижлик сайёҳлар завқ билан томоша қилмоқда. Утган йили АҚШда филлар ансамбли иштирокида ёзилган Таиланд халқ мусиқалари лазер компакт-дисклари сотувга чиқарилди.

КЎМИРХЎР ДЕҲҚОН

Хитойликларнинг иштаҳаси ҳақида баҳслашган одам албатта ютқизади. Улар табиатда нима учраса — ўсимликми, судралиб юрувчими, қўшми ёки ҳайвонми ҳаммасини истеъмол қилаверади. Бу ҳаммаси эмас экан. Ляонинг вилотининг Нуаньси қишлоғида истиқомат қилаётган Цзя Чуньсюе исми деҳқон кўмир ейишни одат қилган. У кунига 250 грамм кўмир емаса узини нохуш ҳис қилади. Бу жумбоққа шифокорлар ҳам жавоб топиша олмаяпти. Цзя Чуньсюеннинг эса соғлиги жойида.

ИШЛАРИ

КАСАЛЛИК ЗАРАРИ

Испанияда йилига икки минг марта коррида уйини уюштириб, бунинг учун 17 мингта буқа боқилар экан. Авваллари коррида уйинида ўлдирилган буқаларнинг гўшти камбағалларга улашилди. Ҳозир улар савдога чиқарилади. Шу сабабли Европада тарқаган “қорамол қутуриши” касаллиги испанияликларни ҳам қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Агар Испанияда ҳам мазкур касаллик учраса, улган буқаларни ёқиб юборишга тўғри келади. Бу эса мамлакат чорвадорларига йилига 15 миллион евро миқдорида зарар келтириши мумкин.

Жаҳон маданияти юлдузлари

БИР КЎРГАННИНГ ЭСИ ОҒАДИ



Франция азалдан атоқли адiblари, мусавирлари, қўшиқчилари билан шуҳрат қозониб келган. Бироқ, қаерга борса, ўша ердаги одам зотини мафтун этиб қайтадиган сەҳр соҳибаси Патрисия Каас каби истеъдод соҳибаси ҳали-вери туғилмас керак.

Патрисиянинг ҳаёти оддийгина кечган. Альзасда туғилган. Отаси кочни. Етти фарзанди бор.

ўша заҳоти уни эшитар эдилар... Патрисия ҳали турмуш қурмаган. Бунақа саволга ҳам, унга жавоб беришга ҳам тоқати йўқ. Агар, ўз севгилисини учратса ҳам, йигирма етти-йигирма саккиз ёшида эрга тегармиш — тамом-вассалом.

— Бошқа оила аъзоларингиз билан алоқангиз яхшими? — деган саволга қўшиқчи қиз шундай жавоб берди:

— Отам, айниқса, онам бизнинг ахил бўлишимизга қаттиқ эътибор беришган. Чамаси онам ҳаммамизга олтин қалбини улашиб берган чоғи. Отам бўлса, то санъаткор сифатида оёққа тургунимча, ёнимдан бир лаҳза жилмаган. Ҳозир ҳам уларни шундай ёнимда тургандек ҳис қиламан: бу менга тенгсиз мадад беради.

— Яна кимлардан миннатдорсиз? — Мен композитор Франсуадан, машҳур актёр Депардьедан жуда-жуда миннатдорман. Улар менга сидқидилдан ёрдам беришди.

— Айтишларича, эркаклар сизнинг қўшиқларингизни тинглаб, эсидан оғиб колармишми?

— Хайронман, мен фақат ишқ ҳақида қўшиқлар айтаман, холос.

— Сизда ҳамма нарсани ташлаб, қаёққадир бош олиб кетишдек ҳолат бўладими? — Ҳеч қачон. Мен саҳнани севман! Лекин мен сокин кўнчаларда сайр қилишни, хайратланишни жуда ҳам яхши кўраман. Ҳар бир концертимдаги кийимларга ўзим буюртма бераман. Бир хил либосда қўшиқ айтавериш томошабинларни ҳам, ўзимни ҳам зериктиради.

Яқинда унинг кўз ўнгида қизик бир воқеа бўлиб ўтишга сал қолди. Унинг Сен-Жермендаги уйига ўғрилиққа тушишди. Концертдан ҳориб-чарчаб келган Патрисия боғланган чамадонларни кўриб ҳам хайратланмади: битта-яримта таниши келгандирда. Лекин иш у кутганча бўлиб чикмади. Телефонда биров унга боғланиб: «Сени ўғирлашмоқчи, мен сени қутқариб қоламан. 48 соат ичида менга фалонча франк берсанг бас» деди. Ҳатто, у Патрисия дам олиш учун қаёққа кетаяётганини қайси меҳмонхонанинг қайси номерида туришигача айтиб, огоҳлантириб қўйди.

Патрисия дарҳол дўсти ва менежери Сирил Порейрага телефон қилди. У эса мишраблар билан боғланди. Мишраблар икки кун давомида машҳур қўшиқчининг уйини кузатишди.

Ниҳоят машина ҳайдаб келган ёшгина йигит қўлга тушди. У чиндан ҳам Кааснинг уйини ўмармоқчи бўлган экан.

Патрисия шундан кейин енгил нафас олди: энди дам олиб келсам бўлади...

Патрисия Каас — Франция эстрадаси юлдузи. Йигитлар олам шундай деб тан олган бу қўшиқчининг тезроқ йигирма етти ёшга киришини кутишди. Ҳар ким унга эр бўлишни хоҳларди-да.

Лекин жаҳон матбуотида бу ҳақида бир оғиз ҳам сўз бўлмади. Наҳотки у дунёдан тоқ ўтмоқчи? Шарқнинг муомтоқ шоираси Зебинисо бегим «Менинг эрим ҳам, фарзандларим ҳам, муҳаббатим ҳам китобдир», деган экан. Балки Патрисия борлигини қўшиқча бағишламоқчидир. Узунқулоқ гапларга қараганда у Шарққа ижодий сафар қилиш нияти бор экан. Балки, Тошкентга ҳам келиб кетар. Ана ўшанда ҳамма нарсдан воқиф бўлаемиз-қолаемиз.

Темир ЙҮЛДОШЕВ.



Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

ҚИММАТБАҲО ГҶШТ

Руминияда туяқуш боқиш одатга айланмоқда. Икки нафар румин фермери Белгиядан 9та туяқуш ва 32 полапонни сотиб олган эди. Улар қисқа вақтда Руминия иқлимига мослашиб олди. Руминларни бу қўшни боқишнинг иқтисодий самараси оҳанграбодек ўзига торттиб қолди. У 130 килограммгача гўшт беради. Бир килограмм туяқуш гўшти эса 100 долларга баҳоланади. Шунингдек, териси ва патига ҳам харидор топилади. Уч ойлик туяқуш минг маркада баҳоланса, бир ёшлиси 10 минг марка туради. Устига устак битта туяқуш 20тагача бола очиши мумкин.

ПАРИШОНХОТИРЛИК БОИС

Паришонхотирликда токиоликларга етадиган халқ бўлмас керак. Масалан, Токио полицияси утган йилда 1,56 миллион марта аҳолининг уз буюмини йўқотиб қўйиши билан боғлиқ ҳодисани рўйхатга олди. Биргина унутиб қолдирилган нақд пулнинг миқдори 21 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шу боисми, пойтахт аҳолиси кейинги пайтларда кучага камроқ пул олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Улар кўпроқ кредит карточасидан фойдаланаяпти.

КИЁФА

— Биласаним, мен кимман, — сўради бир таниши Садоқатдан, — билмасанг билиб ол: мен бойликман.
— Сен бойваччасану, лекин қиёфанг йўқ-да.

ҲАР КИМНИКИ ЎЗИГА

— Ҳар нарсадан уриб қолиш менинг жону дилим.
— Сен қандай садоқатни ёқтирасан? — сўради Хиёнат Диёнатдан.
— Ватан олдидаги садоқатни! — мағрур жавоб берди Диёнат.

Насрий масаллар

МУАММО

— Сени севаман, — деди Ёвузлик Мардликка.
— Инсоний фазилатларнинг ганими бўлсанг, севгингга қаердан юрак топдинг? — деди Мардлик.

ХАСАН ОТА.

Bolalik bog'i

BU KIM BO'LDI?

Erinchoq bo'lib Qolibman, qarang. Tug'ishgan akam Tanimay garang.

— Bu xabash bola Keldi qayerdan? Ko'kdan tushdimi, Chiqdimi yerdan?!

Yuzin yalasa Agarda shu choq, Bo'kib o'lardi, So'zslz, to'rt buzoq. Uyalib ketdim. O'zimdanda o'zim. Yuzim iovuillar, Yer chizar ko'zim.

Darrov yuvindim, Akam suv quydi. Sak xafa bo'lib Qovog'in uydi.

Toza artinib, Oynaga boqdim, O'zimga-o'zim Judayam yoqdim.

Asom ZIYOMATOV.



8-саҳифа меҳмони

Шу йил 13 февралда бирданига икки мамлакат — Россия ва Ўзбекистон чарм тўп ишқибозларининг диққати Мюнхенга қаратилди. Шу кунни ҳеч ким ухламади ҳисоб. Энг уйқучилар ҳам қий-чувдан кўз очиб: «Ирисметов гол урдими?», деб сўрагани аниқ.

Ҳа, «Дўстлик» футбол жамоаси ва Ўзбекистон терма командасининг ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов бу йил Москванинг «Спартак»чилари сафида тўп суради. У команданинг мавсумолди учрашувларида рақиблар дарвозасига 7та тўп киритди. Ҳатто, буни бош мураббий Олег Романцев ҳам кутмаган экан. «Бавария»га қарши яшил майдонга тушган Жаъфар ёмон ўйин кўрсатмади. У жарима майдончасида икки бор муҳлисларининг юрагини хапирктириб юборди. Лекин, начора, шу кун

— Москвага борасолиб, костюм-шим сотиб олибсизми?
— Шунақа бўлди. «Спартак»ни Кремлда шарафлаш маросими учун ясанишга тўғри келди. Лекин, президент билан учрашолмадим. Фақат «Спартак»да ўйнаб чемпион бўлганларни таклиф этишди. Энди чамаси костюмда юришга ўрганиш керак. Ўзбекистонда йилнинг тўққиз ойида елвагай юриб, ўрганиб қолган эканман.
— Дўконда сизга қандай муносабатда бўлишди?
— Таниб қолишди. Дарров

байнида «Спартак» таркибида маш ўтказишлари мумкин.
«Спартак»-чи, у нимага эга бўлади? Хусусан, бир нарса аниқ: Жаъфар МДХ чемпионлари кубогига етти бор дарвозабонларни доғда қолдириб, москваликларнинг эркатойига айланди. Робсон, Маркас, Жерар, Монахов, Цихмейтейрук каби легионерлар қаторида Ирисметов ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Уни «Шарқдан чақнаган янги умид» деб аташмоқда. Ўз даврининг машҳур футболчиси Игорь Шалимов: «Бу ҳужумчи доимо дарвозани мўлжаллаб туради. Гол ҳидини жуда яхши олади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон чемпионатида 45та тўп урган-да. Бу ҳазилакам иш эмас. Гарчи, ушбу биринчилик жуда кучли бўлмаса-да, шунча ўйинчилар орасида сермахсул бўлиш-

емаслигимни билиб, имкони борича шароит яратишяпти.
— Келинимиз Ферузахоннинг иши...
— Молия институтини битирган. Лекин, Москвада уй бекаси. Бундан ортиқ улуг иш йўқ аёл кишига.
— Оилангизда бир ўзингизмисиз?
— Йўқ, акам бор, бизнес билан шуғулланади. Иккита укам ҳали мактабда таълим олади. Биттасининг овози жуда зўр. Кўшиқ айтганда, эритворади одамни.



ШАРҚДАН ЧАҚНАГАН

УМИД

омад «Бавария»га кулиб боққан экан.

«Дўстлик» жамоасининг бош мураббийси Рустам Мирсодиқов билан телефонда боғланиб, Жаъфарнинг Москвадаги манзилини сўрадим. «Эй, «Спартак»нинг спорт базаси телефонларини ҳеч кимга беришмайди», деди у. «Ҳеч бўлмаса охириги тўртта рақамини айтинг». «Билмайман дедим-ку», «Хўп бўлмаса: Жаъфар командадан кетгач, энди ким тўпурар бўлади?», «Аввало Жаъфар бу сафарни анча олдин бўлишини кутган эди. Ой-кун шундай экан, кетди. Эртага «Бавария»га қарши майдонга тушади. Бу «Дўстлик» учун ҳам. Ўзбекистон учун ҳам катта обрў. Шундай футболчи юртимизда камолга етати-ю, фахрланмайми? Тўп урадиганларга келсак, дарвозалар бор бўлса, копток юмалаб турса, гол урадиганлар топилади. Насиб этса, Жаъфарга ҳавас қилган издошлар сероб бўлади.

Ниҳоят, югур-югурлардан кейин, Жаъфар билан сўзлашишга муваффақ бўлдим. «Салом, қандай ниятлар билан йўқладингиз?», — деди у дастлаб русчалаб, — фақат тез бўлинг».

— «Спартак»ка ўрганиб қолдингизми, Жаъфар?

— Танишиш энди бошланди. Бу машҳур команда ўйин услубининг барча қирраларини ўрганишнинг ўзи бўлмайди. Анча вақт кетади, ҳозирча ўз устимда жиддий ишлаяпман.

— Бундай номдор командага ҳаммани таклиф қилишавермайди. Ёш жихатдан энг кичигимсиз командада ёки энг каттасида?

— Мендан катта икки-уч футболчи бор. Писарев, Сметанин. Тенгдошларим кўплигидан жуда хурсандман. Титов билан жуда иноқмиз. У майдонни худди кафтида тургандек кўради. Командани ярами мендан ёш.

— Узункулоқ гапларга қараганда, аввал ҳам «Дўстлик»ни тарк этган экансизми?

— 1998 йилда «Панатинаикос» таркибида Греция биринчилигида уч-тўртта ўйин ўтказганман.

шампан келтиришди, дастхатлар сўрашди. Жуда ҳижолат бўлдим лекин ҳурматлари учун чин қалбдан раҳмат айтдим.

— «Дўстлик»да шунча тўп сурдингиз, ўтган мавсумда 45та тўп урдингиз. Тошкентда юргангизда сира сўрамабман, неча ёшингиздан коптокка ишқибозсиз?

— Тўққиз ёшимдан. Маҳалламизда футбол тўрагаи бор эди. Ўзи беш ёшимда сариқ билан оғриганман. То соғайиб кетгунимча, уч-тўрт йил кетди. Аввал дарвозабон бўлдим, кейин ҳужумга ўтдим. Онам юрак ҳовучлаб орқамдан юрарди.

— Ҳа-а, спортчи учун соғлиқ биринчи навбатда оғайни, демак, ўзингизни эҳтиёт қиларкансиз-да.

— Мутлақо ичкилик ичмайман. Палов жони-дилим.

— Романцевни жуда қаттиққўл дейишади. Спартакчилар бир-бирига тўп узатишда устаси фаранг. Сиз бўлсангиз, тўпни олдингиз, рақиб дарвозасини мўлжаллаб турсиз...

— Боя айтдим-ку, бу команданинг ўйинига энди қовушяпман. Гол уришимга келсак, олдинда дарвоза турса, оёгингга копток тегса — гол уришинг шарт. Бу менинг шiorим.

ШАРҲ. Жуда кўп футбол мухлислари Жаъфар «Спартак»ка кетиб чакки қилди», дейишди. Лекин бир савол берайлик: хўш, Жаъфар «Спартак» билан шартномани имзолагандан кейин, «Дўстлик» нимага эга бўлди?

● «Дўстлик» икки йил мобайнида хориж давлатларида 20 кунлик ўқув машғулотларини ўтказди. Сарф-харажатларни «Спартак» тўлайди.

● Миллий терма команданинг Болгария ва Германияда ўтказадиган машғулотлари харажатлари ҳам «Спартак» зиммасида бўлади.

● Жаъфар Ирисметов тўрт йил давомида терма жамоамиз сафига неча марта чақирилса, «Спартак» йўлжирани таъминлайди.

● «Дўстлик»нинг мураббийлари ва футболчилари тўрт йил мо-

нинг ўзи бўлмайди», деган эди. Энди азиз муштарийлар «Спартак» нималарга эга бўлганлигини англаб олгандирсиз!?

— Шiorингизни айтаётувдингиз...

— Олег Романцев буюк устоз. Россияда, балки Европада ҳам донгдор бўлса, ажаб эмас. Лекин, ҳужумчи фақат устоз айтганини қилаверса ҳам ярашмайди. Футболчи яшил майдондаги ижодкор. Буни сира ҳам унутмаслик керак. Ростини айтсам, кучли командаларда бир ўйнасам деб ҳавас қилиб юрардим. «Бавария», «Манчестер Юнайтед», «Ювентус» сафида бўлишни орзу қилардим. Бахтим бор экан, «Спартак»ка келдим. Бундай ажойиб командага ҳаётда бир марта таклиф қилишади.

— Жаъфар, бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, гап-да, Москвадаги қизлар ҳоли-жонингизга қўйишмаётгандир?

— Э, йўқ, мен уйланганман, ўғлим ҳам бор.

— Ия, қачон уйлангансиз?

— Грецияда эканлигимда. Ўзи Ферузахон билан олти-етти йилдан бери аҳд-паймон қилиб юрардим. Уч кун бўш қолдим. Афинада зерикдим. Шартта Тошкентга жўнавордим. Келиб никоҳдан ўтдик. Уғлимиз Зафаржон икки яшар бўлди.

— Тошкентдаги ошна-оғайнларингиз сизни мусулмончиликни ҳам ўрнига қўяди, дейишади.

— Рост айтишади. Рўзани қанда қилмайман, беш вақт намоз ўқишга ҳаракат қиламан.

— Нега энди ҳаракат қиласиз?

— Ахир шундай пайтлар бўладики, илож тополмай қоламан. Лекин, бўшадим дегунча, ҳамма арконларни адо этаман. Ҳатто, «Спартак»даги ошпазлар ҳам мени қўй гуштидан бошқа нарса

— Улар Москвага боришадими сизни йўқлаб?

— Ёзга чиқиб таклиф этмоқчиман. Унгача ўзимга янги уй сотиб оламан. «Спартак» берган уй бор, лекин, унда каравоту, телевизору, музлатгичдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

— Жаъфар, «янги ўзбек» бўлиб кетсангиз-а?

— Қайдам. Лекин бу ерда доимий қолиб кетиш ниятим йўқ. Тошкентга қайтаман. Билмадим, дўкон очарман, ёки ёқилги қўйиш шахобчаси қураман. Балки бирон жамоага устоз бўларман. Бу энди ёлғиз Оллоҳга аён. Сиздан ҳам сўрай. Нега бунақа савол бердингиз?

— Машинангиз йўқми?

— Эй, буни назарда тутяпсизми? Ҳозирча йўқ, лекин бўлади, «Мерседес». Лекин машина минишга иштиёқим йўқ. Нега дейсизми? Машқлардан кейин шунчалар чарчайманки, ҳатто, оёқни кўтаришга ҳолим қолмайди. Икки соат бўлса ҳам, ухласам дейман.

— Раҳмат, Жаъфар. Биз сизнинг мухлисларингиз ҳар бир ўйинни кузатиб борамиз. Бу мавсумда илоҳим сизга ҳам қувват берсин, оёгингиз толмасин. Тепган тўпларингизни дарвозабонлар ушолласин.

ШАРҲ. Жаъфар «жуда мақтовни келиштирдигиз», деб қулди. Кейин ҳаммага раҳмат айтди. Бир пайтлар Индонезияда, билмадим, «Пахтакор»нинг учрашувларидан кейин Биродар Абдураимовни олтин оёқли мусулмон деб аташган эди. «Шарқдан чақнаган янги умид» Жаъфар Ирисметовга ҳам шундай улуғлашлар тезроқ насиб этсин.

Суҳбатдош Темуру БАЙДУЛЛО.

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда деллларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.